

МЎҒИЛАР ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВАЗИЯТ

Қаҳрамон Усманович Умидуллаев

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими,
юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Тоштемуров Дилишод Ойбек ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти ходими*

Аннотация: Мазкур мақолада Ўрта Осиёда мўғуллар истилосига қадар мавжуд сиёсий, ҳуқуқий тизим ва мўғуллар истилоси оқибатида юзага келган ўзгаришлар таҳлил этилган. Ўрта Осиё давлатларида мўғуллар истилоси билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий оқибатлар тарихий ва замонавий манбалар асосида ўрганиган. Мўғиллар томонидан жорий қилинган янги бошқарув тартиби, хусусан давлат бошқаруви ва ҳуқуқ тизимига киритилган ўзгаришлар ҳамда унинг маҳаллий аҳолига таъсири ва оқибатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Хоразмшоҳлар, Чингизхон, “Ясо” қонунлари, Суд ва ҳуқуқ тизими, Хоразм, Бухоро, Самарқанд

Маълумки, Ўрта Осиё азалдан стратегик ва геосиёсий аҳамиятга эга ҳудуд. Шу боис Ўрта Осиё давлатчилиқ анъаналари, ҳуқуқ тизими ва сиёсий тузилмалари минг йиллар давомида турли босқинчилиқ уринишлари, ташқи аралашувлар ва ички ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида турли ўзгаришлар баъзан туб бурилишлар асосида шаклланган. Хусусан, XIII аср бошларида юз берган мўғул босқини Марказий Осиёнинг сиёсий ва ҳуқуқий тарихида туб бурилиш ясаган воқеалардан бири сифатида баҳоланади. Мазкур босқин нафақат ҳарбий юришлар, балки мавжуд сиёсий тузумларнинг издан чиқиши, давлат институтларининг емирилиши ва маҳаллий ҳуқуқий анъаналарнинг йўқ бўлиши билан ҳам тарихда ўз изини қолдирган.

Маълумки, Ўрта Осиёга Чингизхон томонидан 1219–1221 йилларда амалга оширилган босқин мислсиз вайронкорликлари билан ажралиб туради. Босқин оқибатида Мовароуннаҳр ва унга ёндош ҳудудларда бўлган кўплаб сиёсий тузилмалар жумладан, Хоразмшоҳлар давлати бутунлай тугатилди. Бу жараён Ўрта Осиё тарихидаги бир неча асрлик сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий меъёрларнинг узилишига сабаб бўлди. Мўғул истилоси натижасида маҳаллий сиёсий тузилмалар ўрнига янги ҳарбийлашган бошқарув тизими ташкил этилди.

Бу эса ўз навбатида Ўрта Осиёда ананавий сиёсий ва ҳуқуқий тизимларнинг ўзгаришига сабаб бўлди.

Мўғул истилосидан аввал Ўрта Осиё ҳудуди сиёсий жихатдан мураккаб аммо нисбатан барқарор эди. Бу ҳудудда турли сиёсий бирликлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг қудратлиси ва кенг ҳудудни эгаллагани Хоразмшоҳлар давлати эди. XII аср охири ва XIII аср бошларида Хоразмшоҳлар давлати Мовароуннаҳр, Хоразм, Эрон, Афғонистоннинг шимолий ҳудудлари ва Каспий денгизи соҳилларига қадар бўлган ерларни ўз ичига олган. Ушбу давлат ўз даврида энг йирик сиёсий кучлардан бири бўлиб, ўзининг марказлашган бошқаруви, ҳарбий қудрати учи ва савдо-иқтисодий алоқалари билан ажралиб турган.

Хоразмшоҳлар давлат бошқаруви сулолавий монархия шаклида ташкил этилган бўлиб, унда Султон Олий ҳокимиятнинг эгаси ҳисобланган. Давлат марказий ва маҳаллий бошқарув органларига бўлинган. Вилоятлар ноиблар томонидан бошқарилган, улар эса ўз навбатида марказий ҳукуматга бўйсунган. Давлатда диний ва ҳуқуқий тизим барқарор йўлга қўйилган. Ислом дини давлат мафкурасининг асосий таянчи бўлиб, шариат меъёрлари асосида Суд ва ҳуқуқ тизими фаолият юритган.

Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳар-давлатларида ҳам сиёсий мустақиллик мавжуд бўлиб, маҳаллий ҳукмдорлар (амирлар, беклар) ўз ҳудудларида нисбатан мустақил сиёсат юритган. Аммо улар кўпинча катта сиёсий куч – Хоразмшоҳлар сулоласига тобе бўлган. Шаҳар маданиятининг юксалгани, халқаро савдо йўллари орқали олиб борилган ташқи алоқалар ва ички сиёсий барқарорлик ҳуқуқий тизимнинг нисбатан изчил ишлашига имкон берган.

Бу даврда ҳуқуқий муносабатлар шариат, урф-одатлар каби ёзма ва ҳуқуқий манбаларга асосланган. Қозилар томонидан юритиладиган Суд тизими фуқаровий ва жиноят ишлари бўйича қарорлар чиқарар, диний ва маънавий меъёрлар асосий тартибот мезонлари сифатида хизмат қилган.

Манбаларда қайд этилишича, Ўрта Осиёда сиёсий беқарорлик ва унинг натижасида юзага келган ўзгаришлар 1219 йилда Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинларининг Ўрта Осиёга юриши Хоразмшоҳлар давлати билан юзага келган дипломатик можаролар ортидан бошланган¹.

Ҳарбий юришларнинг асосий хусусияти – шиддат, шафқатсизлик ва ҳар қандай қаршилиқни бутунлай йўқ қилишга қаратилган тактикага асосланган. 1219–1221 йилларда мўғул босқинининг Ўрта Осиё бўйлаб кенгайиб бориши ҳар бир сиёсий ва иқтисодий марказнинг стратегик тарзда эгалланиши орқали амалга оширилган². Дастлаб 5 ойга яқин қамалда бўлган Ўтрор 1219 йил кузида забт

¹ Fan K. (2025). *The Mongol empire's expansion and rethinking research trends in Chinese historical climatology. Humanities & Social Sciences Communications*, 12:135. Pp. 2.

² Nomads in the Middle East – Chapter 5: Mongol Conquest and Rule. Cambridge University Press, 2019, pp. 105–110

этилиб, аҳолиси қатлиом қилинган. Ўтрор ҳокими Инолчиқ қўлга олиниб, қаттиқ жазоланган. Бу воқеа мўғул босқинчиларининг ҳарбий сиёсати оммавий қирғин, ваҳима тарқатиш ва маъмурий тузумни йўқ қилишга асосланганини кўрсатади.

Шундан сўнг Бухоро шаҳри мўғуллар ҳужумига учради. Тарихий манбаларга кўра, Чингизхон Бухорога киргач, шаҳарнинг энг йирик масжидида нутқ сўзлаб, уни “мўғул ҳукмронлигининг рамзи” сифатида **ишлатган**. Бухоронинг диний ва сиёсий элиталари йўқ қилинган, молиявий ресурслар тортиб олинган. Самарқанд эса 1220 йил бошида қамал қилинган. Уч ойга яқин қаршилик кўрсатган шаҳар аҳолиси, мағлуб этилгач, минглаб одамлар ўлдирилган, қолганлари қулликка ҳайдалган. Самарқандда жойлашган мадрасалар, кутубхоналар, суд ва девонхоналарининг кўпчилиги вайрон қилинган ёки ўлжа сифатида олиб кетилган.

Шундан сўнг мўғул қўшинлари Нишопур, Марв, Балх, Урганч, Хоразм ва бошқа муҳим шаҳарларни эгаллашни давом эттирган. Марв шаҳрида 700 минг одам қатлиом қилинганлиги ҳақида **Ибн ал-Асир** гувоҳлик берган. Хоразм шаҳри бир неча ой қамал остида турган ва ғоят шафқатсизлик билан босиб олинган. Мўғул ҳарбий сиёсати доирасида ўлжалар, хунармандлар ва ҳарбий мутахассислар танлаб олиниб, қолган аҳолига нисбатан тўлиқ йўқ қилиш сиёсати юритилган. Бу билан Чингизхон Ўрта Осиёдаги ҳар қандай қаршилик салоҳиятини йўқ қилишни мақсад қилган. 1221 йилга келиб Хоразмшоҳлар давлати амалда йўқ қилинди. Жалолиддин Мангуберди охириги қаршилик ҳаракатларини олиб борди, аммо мўғуллар билан бўлган ҳал қилувчи жангда енгилиб, Ҳиндистонга чекинишга мажбур бўлди³.

Шу тариқа Ўрта Осиё тарихида бир неча асрлар давомида шаклланган сиёсий тизимлар, марказлашган бошқарув институтлари ва маҳаллий аристократия қатламлари йўқ қилинди. Айниқса, илгари фаол бўлган девонлар (марказий маъмурий аппаратлар), молия идоралари, солиқ, ҳарбий бошқарув тизими мўғуллар томонидан бекор қилинган ёки уларнинг манфаатларига мослаштирилган.

Шаҳарларнинг ишғол қилиниши фақат ҳарбий мағлубият эмас, балки сиёсий марказларнинг буткул кулаши эди. Айниқса, Самарқанд ва Бухоронинг эгалланиши Ўрта Осиёнинг юраги бўлган Мовароуннаҳрнинг сиёсий таназзулини билдирган. Ушбу шаҳарлар илгари сиёсий бошқарув, илм-фан ва маданият марказлари бўлиб хизмат қилган, аммо мўғул истилоси натижасида вайрон этилган, аҳолиси қатл қилинган ёки асирга олинган. Шаҳарлар харобага айлантирилган, сиёсий-институционал тузилмалар бутунлай йўқ қилинган. Натижада давлат бошқарувида бўшлиқ юзага келган.

³ История Востока. Т.2. – М.: Восточная литература, 2000. – С. 406.

Мураккаб шароитда ҳокимиятга келган Жалолиддин Мангуберди ўз қароргоҳини йўқотди, ҳарбий-сиёсий кучлар тарқоқ ҳолга келди, марказлашган қарор қабул қилиш тизими издан чиқди. Мўғуллар томонидан ўрнатилган ҳарбий-назорат тизими бошқарувни ўз ихтиёрига олди. Аввалги сулола вакиллари йўқ қилинди ёки сиёсий майдондан сиқиб чиқарилди. Мўғул истилоси натижасида марказий ҳокимият йўқолгач, вилоятлар, шаҳарлар, хатто қишлоқлардаги ҳокимият вакиллари ўз ҳолига ташлаб қўйилди, кўпчилик жойларда бошқарув инқирози чуқурлашди.

Ҳарбий ҳаракатлар вақтида нафақат сиёсий тузумлар, балки уларни қўллаб-қувватлаб келган ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий тузилмалар ҳам издан чиқди. Кенг кўламли қирғинлар, ер-сув тизимининг бузилиши, қарвон йўлларидаги хавфсизликнинг йўқолиши, савдо ва хўжалик алоқаларининг узилиши Ўрта Осиёдаги сиёсий институтлар фаолиятини деярли имконсиз ҳолатга келтирди. Бу эса узок муддатли беқарорлик ва ижтимоий парчаланишнинг бошланишига сабаб бўлди.

Ўрта Осиёнинг мўғул истилоси назоратига тушган ҳудудларида Чингизхон томонидан марказлашмаган, лекин қатъий иерархик асосда ташкил этилган ҳарбий-бошқарув тартиби жорий этилди. Бу тизим “Улус” деб номланган йирик маъмурий-ҳарбий бирликлар асосида шакллантирилди⁴. Ҳар бир улус бир неча вилоят ва шаҳарларни ўз ичига олган, уни эса нўёнлар яъни Чингизхон оиласига яқин бўлган ҳарбийлар бошқарган. Ўрта Осиё ҳудуди асосан Чиғатой улусига бириктирилди ва бу ерда Чингизхоннинг ўғли Чиғатой ҳокимиятни амалга ошира бошлади.

Чиғатой улуси таркибига Мовароуннаҳр, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон водийси ва Хоразмнинг бир қисми кирди. Бу ҳудудларда ҳар бир йирик шаҳар ва қишлоқ ҳарбий-амалдорлар – доруға ва нўёнлар томонидан бошқарилган. Бу амалдорлар бевосита мўғул империясига содиқлик билан хизмат қилган ва маҳаллий аҳоли устидан ҳарбий ва молиявий назорат олиб борган⁵.

Доруғалар фақат маъмурий ишлар билан эмас, балки солиқ йиғиш, ҳарбий сафарбарлик ва тартибни сақлашга ҳам масъул бўлган.

Мўғул истилоси натижасида Ўрта Осиёда аввал амал қилган шариат асосидаги сиёсий-ҳуқуқий институтлар ўз фаолиятини деярли тўхтатди. Бошқарувда энди шариат ҳужжатлари ёки мусулмон анъаналари эмас, балки Чингизхон томонидан ишлаб чиқилган ҳарбий, сиёсий тартиб “Ясо” қонунлари асосий ҳуқуқий мезон сифатида жорий этилди. “Ясо” ҳарбий интизом, жиноят ва

⁴ История Востока. Т.2. – М.: Восточная литература, 2000. – С. 409-410.

⁵ Bartold V. V. *Four Studies on the History of Central Asia* / Trans. by V. Minorsky. – Leiden: E. J. Brill, 1962. pp-111.

жазо, давлатга содиқлик, ўлжани тақсимлаш, сафарбарлик, шахсий эркинлик доиралари каби соҳаларни қамраб олган⁶.

“Ясо” асосида юритилган бошқарув марказлаштирилмаган бўлса-да, ҳар бир бўғинда шафқатсиз назорат механизми амал қилган. Маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий мақоми жуда паст даражага туширилган. Турли даражадаги солиқ мажбуриятлари масалан, “Қорачерик” (мўғул армиясига хизмат кўрсатиш), “Тамға” (йиллик тўлов) каби солиқлар жорий қилинган. Маҳаллий аҳолининг иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий мустақиллиги сезиларли даражада чекланган, сиёсий иштирок ҳуқуқи эса деярли бекор қилинган.

Мўғуллар ўз назоратини мустаҳкамлаш учун айрим ҳолларда маҳаллий элиталарни хусусан, савдогар, заргар, ҳунарманд ва илм-фан вакиллариини ўз тарафларига оғдиришга уринган. Бироқ бу ҳолат кўп ҳолларда реал ҳокимиятни ўз ичига олмай, фақат ташқи кўринишдаги расмий лавозимлар билан чекланиб қолган. Мўғул ҳукмдорлар ўзларига содиқ маҳаллий кишиларни мансабга қўйган бўлсалар-да, бу амалдорлар мустақил қарор қабул қилиш ваколатига эга эмас эдилар.

Ушбу бошқарув усулининг энг муҳим жиҳатларидан бири – ҳокимиятнинг мерос тамойилини мустаҳкамлаш эди. Чигатой улусида ҳокимият Чингизхон наслидан бўлган шахслар орасида авлоддан-авлодга ўтган.

Мўғул истилоси Ўрта Осиёда нафақат сиёсий тизимни, балки ҳуқуқий тизимни ҳам тубдан ўзгартирган. Ислом ҳуқуқининг (фикҳ) асосий устунларидан бўлган шариат тартиботи истилодан олдин йирик шаҳарларда амалда бўлган, соҳадаги ишлар қозилик, муфтийлик ва ваколатли суд тизимлари орқали амалга оширилган. Хусусан, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм каби марказларда шариат қонунларига асосланган судлар фаолият юритган. Уларда низолар ҳал этилиб, фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатлар тартибга солинган.

Мўғуллар бу тизимни тан олмади. Чингизхон томонидан ишлаб чиқилган “Ясо” қонунлар тўпламини жорий қилинди. Бу қонунлар жамиятнинг барча соҳаларини, жумладан, ҳарбий интизом, давлат бошқаруви, мол-мулкка эгалик, жиноят ва жазо, урф-одатлар, урушда олинган асирлар билан муомала каби масалаларни қамраб олган. “Ясо” қонунлари умумий маънода империя хавфсизлиги, ҳарбий интизом, хусусан қўидагиларни тартибга солишга қаратилган:

Жиноят ҳуқуқи: Қотиллик, ўғрилик, исён ва ҳокимиятга қарши чиқиш каби жиноятлар учун жуда қатъий жазолар белгиланган. Ўлим жазоси, жамоат олдида қамчилаш, мулкни мусодара қилиш кенг қўлланилган.

⁶ Jackson, Peter. *Mongols and the World of Islam*, Edinburgh UP, 2022, pp. 113

Фуқаролик низолари: Ер, мол-мулк, оилавий масалалар юзасидан низолар кўпинча ҳарбий амалдорлар – доруға ёки нўёнлар иштирокида кўриб чиқилган. Анъанавий қозилик институти эса чекланган ҳолатда сақланиб қолган.

Этик ҳуққ нормалари: Мўғул жамиятида содиқлик, садоқат, ўзаро ҳурмат, бошлиққа итоат ва жамоавий масъулиятга алоҳида урғу берилган. Бу нормалар қонуний асосда мустаҳкамланган⁷.

Тарихий манбаларга кўра, “Ясо” қонунлари ҳар бир ижтимоий қатламга нисбатан бир хил қатъият билан татбиқ этилган, аммо бу тенглик тушунчаси амалда ҳар доим ҳам адолатли бўлмаган. Айниқса маҳаллий мусулмон аҳолига нисбатан мўғул амалдорлари тез-тез зўравонлик билан ёндашган. Рашидуддин ва Жувайний каби тарихчилар айрим мўғул судларида судланган мусулмонларнинг адолатдан умидини узгани ва кўпинча ўз диний қозиларига мурожаат қилганини қайд этади⁸.

Мўғул истилосининг дастлабки даврида шариат судлари деярли бекор қилинган бўлса-да, XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, айниқса Чиғатой улусида исломий ҳуқуқ тизими маълум даражада тикланган. Бунда мусулмон аҳолининг сон жиҳатдан кўплиги, иқтисодий фаолияти ва сиёсий босимлари муҳим рол ўйнаган. Натижада, айрим вилоятларда шариат ва “Ясо” қонунлари ёнма-ён амалда бўлган, бу эса икки ёқлама ҳуқуқий тизимнинг шаклланишига олиб келган.

Адлия тизимининг ҳарбийлаштирилгани, амалдорларнинг мутлақ ваколатга эга бўлиши ва апелляция ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини заифлаштирган. Бу тизим, шубҳасиз, давлатнинг марказий назоратини кучайтирган бўлса-да, ижтимоий ишонч ва қонун олдида тенглик тамойилига путур етказган.

Умуман олганда, мўғуллар томонидан юритилган суд-ҳуқуқ амалиёти Ўрта Осиё тарихида мутлақ ҳукмдорлик ва ҳарбийлаштирилган давлат моделининг намунасидир. Бу ерда ҳуқуқ – кучли ҳукмдорнинг қуроли сифатида қаралган, адолат эса кўпинча ҳокимият манфаатларига бўйсундирилган.

“Ясо” тизими ҳарбий-милитаристик мафкурага асослангани сабабли, у фуқаролик жамияти ва шариат асосидаги ҳуқуқий тамойиллар билан тўғридан-тўғри зиддиятга кирган. Мисол учун, шариатда ўғирлик учун муайян далил асосида ҳадд жазосини қўллаш кўзда тутилган бўлса, “Ясо”да ўғирлик содир этган шахслар дарҳол ўлимга ҳукм қилинар, бу эса кўплаб айбсиз инсонларнинг қатл қилинишига олиб келган. Суд-таҳлил ва гувоҳлик асосида иш юритиш амалиёти йўқолган, шунингдек, ижтимоий синф ёки ҳарбий мавқеи юқори

⁷ Jackson, Peter. *Mongols and the World of Islam*, Edinburgh UP, 2022, pp. 115

⁸ Juvayniy: *The History of the World-Conqueror*. Vol. I-II. Harvard Oriental Series XVI. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1958.pp-23-30

бўлган шахслар ҳукукий имтиёзларга эга эди. Бу ҳукукий тенгсизлик жамиятда норозилик кайфиятини кучайтирган.

Маҳаллий ҳукукий институтлар – хусусан, қозилик лавозимлари сақланиб қолган айрим ҳолларда ҳам, улар фақатгина диний масалалар билан чекланиб қолган. Фуқаровий, жиноят ва иқтисодий низолар эса доруға ёки мўғул нўёнлари томонидан “Ясо” асосида кўриб чиқилган. Мусулмон аҳоли ўзининг диний-ҳукукий нормаларидан бегоналаштирилган. Бу эса нафақат ҳукукий онг, балки сиёсий легитимлик тушунчасининг ҳам емирилишига олиб келган.

Бундан ташқари, мўғул истилосидан кейин давлат ва жамият ўртасидаги шартномавий-ҳукукий муносабатлар издан чиқди. “Ясо” қонунларида давлатга содиқлик энг муҳим ҳукукий меъёрлардан бири сифатида кўрилган. Ҳар қандай қаршилиқ, ҳатто пассив норозилик ҳам оғир жазога сабаб бўлган. Бу орқали мўғул бошқаруви ҳукмронлигининг асосий йўналиши бўлган кўрқув орқали тартиб сақлаш стратегияси кучайтирилган.

Кўплаб тарихий манбалар, жумладан Жувайнийнинг ёзишларига кўра, “Ясо” қонунларининг қатъийлиги маҳаллий элиталарни давлат бошқарувидан бутунлай четлаштирган. Уларнинг фаоллиги кескин пасайган, бу эса сиёсий-ҳукукий жараёнларда ижтимоий табақалар ўртасида узилиш ҳосил қилган⁹.

Мўғул истилоси ортидан Ўрта Осиёда молиявий ва иқтисодий тартибот кескин ўзгарган. Аввалги исломий давлатлар томонидан юритилган ва шариатга таянувчи иқтисодий бошқарув ўрнига, мўғуллар ҳарбий эҳтиёжларга йўналтирилган солиқ тизими жорий этдилган. Бу тизим марказлашмаган, аммо юқори даражада мажбурлов хусусиятига эга эди. Чингизхоннинг “Ясо” қонунларига асосланган молиявий сиёсатнинг асосий мақсади – марказий ҳокимият ва мўғул кўшинининг эҳтиёжларини таъминлаш эди. Доимий тарзда, аҳолидан олинadиган солиқлар сони ва тури кўпайтирилган. Улар орасида энг асосийлари қуйидагилар бўлган:

Қопчур – умумий солиқ бўлиб, барча ишлаб чиқарувчи қатламлардан йилига бир марта йиғилаган.

Тамға – ҳарбий харажатларни қоплаш мақсадида олинadиган солиқ бўлиб, баъзан ўта юқори миқдорда белгиланган.

Суюрғол – айрим шахслар ёки оилаларга давлат хизматидаги содиқлиги учун берилган имтиёзли ерлар бўлиб, улар бу ерлардан фойдаланган ҳолда солиқлардан озод этилган.

Ўртоқлик – мўғул амалдорлари ва савдогарлар ўртасида тузиладиган иқтисодий шериклик бўлиб, бу шериклик кўпинча мажбурий бўлган ва маҳаллий савдогарларнинг иқтисодий мустақиллигини йўққа чиқарган.

⁹ Juvayniy *The History of the World-Conqueror*. Vol. I–II. Harvard Oriental Series XVI. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1958.pp-23-30

Бу солиқ сиёсати мўғул бошқарувининг мустаҳкамланишига хизмат қилган бўлса-да, маҳаллий аҳолининг иқтисодий аҳволини ёмонлаштирган. Кўплаб деҳқонлар ва хунармандлар оғир солиқ босими остида ўз фаолиятини давом эттира олмай, ерлардан кўчиб кетган ёки камбағаллашган. Йирик шаҳарлардаги хунармандчилик марказлари – Самарқанд, Бухоро ва Хивада ишлаб чиқариш даражаси кескин пасайган. Аҳоли орасида норозилик кайфияти кучайган, бу эса вақти-вақти билан маҳаллий кўзғолонларга сабаб бўлган.

Шунингдек, мўғуллар ўз солиқ сиёсатини қонунийлаштириш ва тартибга солиш мақсадида ҳужжатлаштирилган ҳисоб тизимини жорий этган. Ҳар бир маҳаллий бирликда аҳоли, чорва моллари ва ишлаб чиқариш воситалари ҳисобга олиниб, улар асосида солиқ миқдори белгиланган. Бу ҳисоб-китобни юритиш учун хитойлик бошқарувчилар ва илм ахли жалб қилинган. Бироқ бу амалиёт кўпинча суиистеъмоликка сабаб бўлган. Мўғул амалдорлари ортиқча солиқларни ёзиб, ўз фойдаларига ишлатганлари ҳақидаги далиллар Ибн ал-Асир ва Насавий асарларида келтирилган.

Аҳоли фақат иқтисодий жиҳатдан эзилмаган, балки ҳуқуқий жиҳатдан ҳам ожиз ҳолатда қолган. Мўғул амалдорларининг солиқ йиғишдаги зўравонлиги устидан шикоят қилишнинг деярли имкони йўқ эди. Чунки адлия тизими амалда ҳарбий назорат остида бўлиб, солиқдан қочган шахслар ўлим жазосигача тортилиши мумкин эди. Бу ҳолат фуқаролик ҳуқуқлари ва мулк дахлсизлиги тамойилларига мутлақо зид эди.

Кўплаб тарихий манбаларда, хусусан, Рашидуддин Фазлуллоҳ ва Марко Полонинг асарларида қайд этилишича, мўғуллар савдо ва божхона соҳасида нисбатан эркин сиёсат юритган. Ипак йўли бўйлаб савдо-сотикни рағбатлантириш учун савдогарларга айрим солиқ имтиёзлари берилган, бу эса халқаро савдонинг тикланишига хизмат қилган. Бироқ бу имтиёзлар кўпинча фақат мўғул савдогарлари ёки улар билан “Ўртоқлик” қилган шахслар учун амал қилган, маҳаллий савдогарлар эса ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлмаган шароитда ишлаган.

Мўғул истилосидан сўнг Ўрта Осиёда ташкил этилган сиёсий-ҳуқуқий тизимнинг асосий таянчи ҳарбий аристократия эди. Чингизхон империяси ҳарбий кучга асосланганлиги боис, ҳукмронлик айнан шу қатлам манфаатлари асосида шакллантирилган. Мўғул элитасининг юқори табақаси – нўёнлар, доруғалар, мингбоши, юзбоши ва ўнбошилар ҳукумат ва бошқарувнинг барча босқичларида устун мавқега эга бўлган. Ушбу лавозимлар наслдан-наслга ўтиш тарзда тайинланган. Бу эса сиёсий-ҳуқуқий тизимда қатъий иерархияни шакллантирган.

Мўғул бошқаруви остида бўлган Ўрта Осиё вилоятлари айнан ушбу тизим асосида идора этилган. Ҳар бир вилоятга мўғул нўёни тайинланган. У нафақат

харбий, балки солиқ, адлия ва жамоат тартибини сақлаш вазифаларини ҳам бажарган. Вилоятдаги маҳаллий элиталар – амирлар, деҳқонлар, имом ва қозилар нўёнларга бўйсунган, уларнинг қарорлари “Ясо” қонунларига асосланган. Бу марказлашган бошқарув тузилмаси мўғул империясининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнаган.

Шу билан бирга, мўғуллар ўз сиёсий ҳукмронлигини маҳаллий ҳукмдорлар билан прагматик алоқалар ўрнатиш орқали мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Айрим амирлар, айниқса қabila бошлиқлари, мўғуллар билан муроса йўлини танлаган ва эвазига айрим автоном ҳуқуқларни сақлаб қолган. Шу сабабли, мўғул истилосининг сиёсий-ҳуқуқий таъсири Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида турлича бўлган.

Рашидуддин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ ат-таворих” асарида қайд этилишича, мўғуллар “Садоқат” тамойилига жуда катта эътибор берган. Агар маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагонлар империяга садоқатли бўлса, улар ўз лавозимларида сақлаб қолинган. Аммо ҳар қандай мустақиллик ҳаракати ёки марказий ҳокимиятга қарши чиқиш кескин жазоланган. Бу ҳолат сиёсий-ҳуқуқий тизимда содиқлик асосида шаклланидиган мутлақ монархиянинг мустаҳкамланишига олиб келган¹⁰.

Бундан ташқари, мўғуллар Ўрта Осиёдаги сиёсий бошқарувни мустаҳкамлаш учун турли этник гуруҳлар ва диндан бўлган элиталарни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилган. Мисол учун Хитой, Эрон ва Ҳиндистондан олиб келинган бошқарувчилар ва илм аҳли мўғул элиталари билан бирга Ўрта Осиёдаги марказий шаҳарларда ишлаган. Тарихчи Жувайний мўғул иерархиясини “Темир тартиб” деб атаган, бу ибора орқали у мўғуллар томонидан жорий этилган қатъий сиёсий-ҳуқуқий назоратни тасвирлаган. Бу тизим бир томондан марказий ҳокимиятни кучайтирган бўлса, иккинчи томондан маҳаллий ташаббус ва ривожланишга тўсқинлик қилган¹¹.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, мўғиллар истилоси Ўрта Осиёда турли оқибатлар келтирган воқеалардан бири бўлиб, ҳудудда мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий тизимни тубдан ўзгартирди. Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинларининг амалга оширган харбий юришлари нафақат ҳудудни эгаллаш, балки бир неча асрлар давомида шаклланган бошқарув тартиби ва барқарорликни издан чиқишига сабаб бўлди. Истилодан олдин Ўрта Осиёда, айниқса Хоразмшоҳлар давлатида нисбатан барқарор сиёсий тизим мавжуд бўлиб, бу ислом дини асосида шаклланган, шариат ҳуқуқига асосланган,

¹⁰ Rashīd al-Dīn, Fadlallāh, comp. Jāmi‘ al-Tawārīkh (Compendium of Chronicles). c. 1307. Edited Arabic/Persian manuscripts, with English editions via Khalili Collections and Oxford University Press. Pp-293-303

¹¹ Juvayniy: *The History of the World-Conqueror*. Vol. I–II. Harvard Oriental Series XVI. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1958.pp-23-34

марказлашган бошқарув тизими эди. Қозилик институти, девон тизими ва сулолавий монархия шаклидаги бошқарувга асосланган.

Истило натижасида Ўрта Осиёда сиёсий бошқарув тизими тубдан ўзгарди. Хоразмшоҳлар давлати тугатилгач, унинг ўрнига мўғул Чиғатой улуси ташкил этилди. Бу янги бошқарув нўёнлар ва доруғалар томонидан идора этиладиган ҳарбийлашган тузилма эди.

Ҳуқуқ соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Шариат асосидаги адлия тизими ўрнига Чингизхон томонидан ишлаб чиқилган “Ясо” қонунлари жорий этилди. Бу қонунлар ҳарбий интизом, мутлақ содиқлик ва қатъий жазо чораларига асосланган эди. “Ясо” тизими маҳаллий ҳуқуқий анъаналар билан кескин зиддиятда бўлиб, мусулмон аҳолини диний-ҳуқуқий меъёрларидан маҳрум қилди. Иқтисодий соҳада ҳам катта ўзгаришлар киритилди. Мўғил солиқ тизими маҳаллий аҳолига оғир юк бўлди. Ушбу солиқлар асосан мўғил ҳарбий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиб, маҳаллий иқтисодий ривожланишни инобатга олмаган. Натижада кўплаб деҳқон ва хунармандлар ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. Маҳаллий элиталар йўқ қилинди ёки мўғул бошқарувига бўйсундирилди. Фуқаролик ҳуқуқлари чекланди, сиёсий иштирок имкониятлари йўқотилди. Жамиятда кўрқув ва беқарорлик ҳукм сура бошлади.

Умуман олганда, мўғил истилоси Ўрта Осиё тарихида чуқур из қолдирган мураккаб воқеа бўлди. Мавжуд сиёсий-ҳуқуқий тартиб йўқ қилиниб, янги бошқарув усуллари ва ҳуқуқий тизим жорий этилди. Бу ўзгаришлар Ўрта Осиё тарихига нафақат XIII асрда, балки кейинги асрларда ҳам таъсир кўрсатди. Мўғиллар давлати бошқарувида амалда бўлган сиёсий институтлар, бошқарув анъаналари ва ҳуқуқий нормалар узок вақт сақланиб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Fan K. (2025). *The Mongol empire's expansion and rethinking research trends in Chinese historical climatology. Humanities & Social Sciences Communications*, 12:135. Pp. 2.
2. Nomads in the Middle East – Chapter 5: Mongol Conquest and Rule. Cambridge University Press, 2019, pp. 105–110
3. История Востока. Т.2. – М.: Восточная литература, 2000. – С. 406.
4. История Востока. Т.2. – М.: Восточная литература, 2000. – С. 409-410.
5. Bartold V. V. *Four Studies on the History of Central Asia* / Trans. by V. Minorsky. – Leiden: E. J. Brill, 1962. pp-111.
6. **Jackson, Peter.** *Mongols and the World of Islam*, Edinburgh UP, 2022, pp. 113
7. **Jackson, Peter.** *Mongols and the World of Islam*, Edinburgh UP, 2022, pp. 115

8. Juvayniy: *The History of the World-Conqueror. Vol. I–II. Harvard Oriental Series XVI. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1958.pp-23-30*

9. Juvayniy *The History of the World-Conqueror. Vol. I–II. Harvard Oriental Series XVI. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1958.pp-23-30*

10. Rashīd al-Dīn, Fadlallāh, comp. *Jāmi‘ al-Tawārīkh* (Compendium of Chronicles). c. 1307. Edited Arabic/Persian manuscripts, with English editions via Khalili Collections and Oxford University Press. Pp-293-303

11. Juvayniy: *The History of the World-Conqueror. Vol. I–II. Harvard Oriental Series XVI. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1958.pp-23-34*